

## Бепул тиббий кўрикдан ўтишди

Маълумки, давлат раҳбаримизнинг ташабbusлари билан жорий йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йили деб номланган. Шундай экан, ёшлик ва соғлик эътиборга муҳтож бўлган тушунча. Хоҳ меҳнат жамоаси бўлсин, хоҳ таълим муассасаси бўлсин, унда фаолият юритадиган инсонларнинг саломатлиги муҳим бойлиkdir.



Худди шу муносабат билан институтимизда тиббиёт ходимлари ва мутахассислар иштирокида таълим муассасамиз педагоглари ва техник ходимларини саломатлигини ўйлаб бепул тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг Мирзо Улуғбек туман кенгашининг ташабbusи билан ташкил этилган бепул тиббий кўрикнинг аҳамияти ҳақида



Кенгаш раиси Ботиржон Содиков “аҳоли соғломлиги ҳар нарсадан улуғ, бу ҳаракатимиз инсультнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, бу фаолиятни биз мунтазам равишда ўтказиб турамиз, чунки жамоанинг саломатлиги иш унумини ошишига хизмат қиласи, иш ва таълим жараёни билан банд бўлиб вақт топа олмаётган профессор ўқитувчилар учун бу ишимиз аскотиши аниқ”, - дея ўз мулоҳазасини билдириди.



“Соғлом танда соғ ақл” деган халқ мақоли ҳам бежиз айтилмаган. Шундай экан, ҳар биримизнинг саломатлигимиз ҳақида қайғуриш давлатимиз ва ҳукуматимизнинг доимий эътиборида экани ва бу сиёsatни қўллаб - қувватлаш ҳар биримизнинг бурчимиз, қолаверса, давр талабидир.

**ТИҚҲММИ матбуот хизмати**